

## Навоий вилоят Кенгаши сессияси

11 ноябрь куни Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирилик, қўмита, компания ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этди.



Сессияда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Навоий вилояти sanoat ва иқтисодиёт, энергетика ва тоғ-кон sanoati жиҳатдан мамлакатимизда олдинги ўринларда туришини қайд этди. Мустақиллик йилларида вилоятда кўп-кўп йирик корхоналар ишга туширилди. Шу билан бирга, кейинги йилларда пахта ва галла етиштириш режалари муттасил бажарилмапти. Пахта ва галла уруғ-

чилиги тизими шаклланди, деҳқонларнинг ерга муносабати ўзгармаган. Қорақўлчилик хўжаликларини ривожлантиришга, қимматбаҳо қозғалар бозорини шакллантиришга эътибор кам. Вилоят корхоналари омиборларида кўп-кўп маҳсулот тўпланиб қолган. Вилоят раҳбарияти фаолиятида қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатлари авж олган. Улар ҳали ҳам эс-

қидан қолган қолиплар асосида иш юритмоқда. Натижада, халқнинг раҳбарларга ишончи йўқолган, вилоятда маънавий муҳит бузилган. Йўлбошчимиз бундай иллатлардан қутулиш учун замон талабларига жавоб берадиган малака ёш мутахассисларни тарбиялаш, давлат идоралари устидан жа-нонатчилик назоратини ўрнатish, давлат мулкни хусусийлаштиришни

тезлаштириш лозимлигини таъкидлади. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш зарур. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ҳ.Ғафоров ўз ариза-сига биноан Навоий вилоят ҳокими вазириликдан овоз этилди. Президент Ислам Каримов тавсиясига биноан депутатлар Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари лаво-

зимидан ишлаб келаётган Ғайбулла Диловни Навоий вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар. Сессияда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, Н.Жўраев, У.Худойқулов, Бош вазири ўринбосарлари Б.Ҳамидов, М.Усмонов, В.Чжен, Б.Олимжонов, Президентнинг матбуот котиби А.Зиёев иштирок этди.

Бехзод УСМОН,  
Еркул УМАР,  
ЎЗА мухбирлари.

## Ўксак маънавият — жамият тараққиётининг асоси

Навоий вилояти де-ғанда куз олдимида бири бирдан улкан sanoat корхоналари, мамлакатимизни электр қуввати, маъданли ўғитлар ва турли кимёвий моддалар билан таъминлайдиган, давлат хазинасини қимматбаҳо металллар билан тўлдир-ишга катта ҳисса қўшаётган замонавий ноёб иншоотлар намоён бўлади. Вилоят ҳудуд жиҳати-дан Ўзбекистонда биринчи ўринда туради. Кенг пахта далалари, чеки-чегараси кўринмайдиган яилворлар ҳам вилоят сал-оҳиятини ошириш имко-ниятларидан далолат бе-ради.

Вилоят аҳолисининг ка-рийиб 60 фоизининг ризи-кузи бевосита қишлоқ хў-жалигига, кўп жиҳатдан ма-на шу соҳадаги ислохот-ларнинг қандай олиб бори-лиши ва уларнинг самара-сига боғлиқдир. Бу ишларни амалга ошириш учун мамлакатим-изда зарур метёрий-ху-қукий замин яратиб берил-ган, асосий қонунлар қабул қилинди.

«Бухороқоракўл» заво-дига бор-йўғи минг дона тери сотилган, холос. Бу-ни қандай изохлаш мум-кин? Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидла-ганидек, ислохотлар аввало инсон манфаатлари учун ишлатилиши керак. Бу жараёнда халқнинг бевос-ита иштироки эса бени-ҳоя катта аҳамиятга эга. Аммо Навоий вилоятида бозор иқтисодиёти шар-тшароитларига ўтиш жуда су-ст кечмоқда. Кўп-кўп корхоналарда ханузгача эски тузумдан қолган бо-қимандилик қийфати яшаб келмоқда. Кимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш-да жиддий камчиликлар мав-жуд.

Шунга қарамай, вилоят қишлоқ хўжалиги ишлари-да ҳеч қандай бурилиш се-зилмапти. Вилоятда пахта ва галла етиштириш бо-расида жиддий камчилик-лар мавжуд. Сурункасига уч йилдан буён давлатга пахта сотиш режалари барбод бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби - вилоятда уруғчи-лик билан ҳеч қим шугул-ланмаётгани, тезлашар ва юқори сифатли тола бера-диган навлар жуда секин-лик билан районлаштири-лаётганлиги ва ерга бўл-ган муносабатнинг тубдан ўзгармаётганлигидир. Деҳ-қончилик маданияти ўта па-стлигидир.

Шуни яхши тушуниб оли-шимиз даркорки, ҳар қан-дай ислохотларнинг самара-бериши одамларнинг, ишчиларнинг манфаатдор-лигини оширишдан бош-ланади. Лекин бугунги кун-да таҳминан 350 миллион сўм иш ҳақининг берилмас-лиги деҳқонларни ишдан совутмоқда. Уларнинг унум-ли меҳнатга бўлган қизи-қишини сусайтирмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги «Навоий вилоятининг Томди ва Уч-қудук туманлари қорақўлчи-лик фермаларини хусу-сийлаштиришни чуқурла-штириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, ўш-бу туманларда сифатли, харидорчи қоракўл тери, жун, гўшт маҳсулотларини янада кўпайтириш, чўпон-чўликларнинг мулкка бўл-ган эгаллик ҳиссини уйғо-тиш максатида чиқарила-ни ҳаммага аён. Лекин, ви-лоят ҳокими ҳамда Томди ва Учқудук туманлари хо-кимлари томонидан бу му-ҳим ишга эътиборнинг па-стлиги натижада жорий йилда 1996 йилга нисба-тан қоракўл тери тайёрлаш 40 фоизга камайган.

Бундан салкам тўрт йил аввал вилоятнингизга ян-ги раҳбар тайинлангани, де-ди Ислам Каримов. У вилоятдаги мавжуд муам-моларни ҳал қилишга бо-ш-қош бўлади, савия-си, билими, дунёқараши давр талабига мос кела-ди, деб ҳаммамиз унга ишонч билдирган эдик. Тан олиш керак, Ҳаёт Ғафоров бир-икки йил ғайрат билан меҳнат қил-ди. Лекин кейинчалик бу ғайрат ўрнини лоқайдлик, ўта хотиржамлик эгалла-ди. Ҳоким фаолиятида қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик каби ку-сурлар пайдо бўлди. У хо-қимнинг асосий бурчи - халқ дарди билан янаша эканани буткул унутиб, бир гуруҳ лаганбардор-лар тасвирга тушиб қол-ди. Хизмат ваколатидан фойдаланиб, фақат улар-нинг истакларини бажо келтириш билан шугулла-на бошлади. (Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республика-сининг «Фуқаролар соғли-гини сақлаш тизимидаги Қонунинг мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий химояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек тиб-бий хизматларнинг сифати-ни яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шар-тшароитларини яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга ошири-лаётган ислохотларга муво-фиқ ҳолга келтириш мақса-дида:

1. Республика комиссия-си томонидан ишлаб чиқил-ган, Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 1998 йил 12 июндаги Ф-856-сон Фармойиши билан тасдиқ-ланган Ўзбекистон Респуб-ликаси соғлиқни сақлаш тиз-имини 1998-2005 йиллар-да ислох қилишнинг қуйи-даги таркибдаги Давлат дасту-ри маъқуллансин.
- 1998-2005 йилларда соғ-лиқни сақлаш тизимини ис-лох қилиш Концепцияси; бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати; босқичма-босқич пулли тиббий хизматларга ўткази-лиши лозим бўлган даво-лаш-профилактика муассасалари рўйхати; 2001-2005 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури; шифокор кадрлар ва ўр-та тиббиёт ходимларини тайёрлашга бўлган қўшим-ча вазифалар; 1999-2005 йилларда тиббиёт билим юрталарини касб-хунар коллежларига айлантириш дастури.
2. «Тошўйинвестку-рилиш» корпорациясининг тиббиёт- санитария қисми,

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси, республи-ка ва Тошкент вилоят санитaрия авиацияси негизида Республика шoshiлини тиб-бий ёрдам марказини минта-қавий филиаллари билан ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ-ни сақлаш вазирилик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-ларининг тақлифи маъқуллан-син.

Куйидагилар тасдиқлан-син:

Республика шoshiлини тиббий ёрдам марказининг тузилмаси;

Республика шoshiлини тиббий ёрдам маркази тўғри-сидаги Низом.

3. Ўзбекистон Республика-си Соғлиқни сақлаш вазири-лиги, Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Фан ва тех-ника давлат қўмитаси, бошқа тегишли вазирликлар ва идо-ралар билан биргаликда ик-ки ой муддатда 1998 йилга белгиланган ходимлар сони ва ажратилган маблағлар до-расида Республика шoshiли-ни тиббий ёрдам маркази ҳамда унинг Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги филиалларининг ишлаши билан боғлиқ ташкилий, техника-вий, молиявий ҳамда бошқа масалаларни ҳал қилсинлар;

Республика шoshiлини тиббий ёрдам маркази ва унинг жойлардаги филиаллари юқори малакали мутахассис-лар билан тўлдирилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республика-си Соғлиқни сақлаш вазири-лиги шу йилнинг 20 дека-брга қадар касаллик турла-рини ва беморларни даво-лаш, саломатлигини тикла-шни ҳисобга олган ҳолда уларнинг шoshiлини тиббий

ёрдам хизматларида бўли-шининг чекланган муддат-ларини ишлаб чиқиб, жорий этсин.

5. Нодавлат даволаш-профилактика муассасала-ри, шу жумладан, аҳолига пулли тиббий хизмат кўрсатувчи хусусий даволаш-профилактика муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томо-нидан белгиланган рўйхатга мувофиқ имтиёзга эга беморларга 20 фоизга қадар бепул тиббий хизмат кўрсатишлари ҳамда бу хиз-матлар бюджет ҳисобидан молияланиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республика-си Соғлиқни сақлаш вази-рилик, Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирилик:

1999/2000 ўқув йилидан бошлаб, тиббиёт олий ўқув юрталарининг даволаш фа-культетлари ҳузурида ўрта тиббий маълумот негизида ўқитиш муддати 3 йил бўл-ган олий малакали тиббиёт ҳамширалари /реаниматор-логлар, анестезистлар, жар-роҳлик ҳамширалари, тур-рухона акушеркалари ва бошқалар/ни тайёрлаш бў-лимларини очсинлар;

Ўзбекистон Республика-си Меҳнат вазирилик, Мак-роиктисодиёт ва статистика вазирилик, Адлия вазири-лиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда 1999 йилнинг 1 майига қадар мазкур бўлимларда олий йўлбошчимизнинг мамла-катимизда амалга ошири-лаётган кенг қамламли исло-хотлар, унинг дастлабки натижалари, келгусидаги вазифалар баён этилган бу китобини ўқиб-ўрганиш давримиз талаблари ва ке-лажагимизни теран ан-лашда муҳим дастурилам-ал бўлиб хизмат қилиши-ни таъкидладилар.

Незмат ДУШАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ**

**Ғ.Д.Диловни Навоий вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /12 банди/ ва 102 моддаларига мувофиқ Ғайбулло Дилович Дилов Навоий вилоятининг ҳо-қими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 11 ноябрь

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ**

**Ҳ.Ғафоровни Навоий вилоятининг ҳокими вазифасидан овоз этиш тўғрисида**

Ҳаёт Раҳимович Ғафоров ўз ариза-сига биноан Навоий вилоятининг ҳокими вазифасидан овоз этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 11 ноябрь

**Президент китоби ўрганилмоқда**

Тошкент вилояти ўқитув-чилар малакасини ошириш институтида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов-нинг «Ўзбекистон - буюк ке-лажақ сари» янги китоби-ни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар йўлбошчимизнинг мамла-катимизда амалга ошири-лаётган кенг қамламли исло-хотлар, унинг дастлабки натижалари, келгусидаги вазифалар баён этилган бу китобини ўқиб-ўрганиш давримиз талаблари ва ке-лажагимизни теран ан-лашда муҳим дастурилам-ал бўлиб хизмат қилиши-ни таъкидладилар.

Незмат ДУШАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

**ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ**

«Ўздэу авто» ҳамда «Ишонч» ҳамкорлиги

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов-нинг шаҳсан ташаббуси ҳамда саби-ҳара-катлари билан ўта қўсқа вақт ичида Асака-да «Ўздэуавто» қўшма корхонаси бунёд этилди. Айрим сиёсатчилар, давлатлар раҳ-барларининг Ўзбекистонда ҳали велосипед ҳам ишлаб чиқарилмаган бўлсаю, қандай қилиб машинасозлик йўлга қўйилади, деган пичинглари пучга чиқди. 1996 йилнинг 25 мартда гигант корхонада биринчи машина конвейердан чиқди. Шу тариқа мустақил Ўзбекистон автомобил ишлаб чиқарадиган давлатлар қаторига қўшилди.

Яқинда «Ишонч» газетаси ижодий гуру-ҳи қўшма корхона маъмурияти, касаб-уош-маси қўмитаси тақлифига биноан мўъжиза-корлар ҳузурида бўлдилар. Ишчи-хизматчи-лар ҳаёти, меҳнатини ташкил этиш ва рағ-батлантиришнинг ибратли жиҳатлари, таж-риба, ташаббуслар билан яқиндан танишил-ди. Машинасозлар билан журналистлар ҳам-корлигини доимий йўлга қўйишга оид ре-жалар тузилди.

Газетамизнинг учинчи саҳифасида шулар ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

**Самарқанд вилояти пахтакорларининг меҳнат ғалабаси**

Самарқанд вилояти пахтакорлари катта зафар қучди. Улар 250 минг тон-на «оқ олтин» хирмони уйиб, мамлакатимиз ви-лоятлари орасида бирин-чи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажардилар.

Эришилган бу улкан муваффақиятга Пахтачи, Нарпай, Нуробод, Жом-бой, Пастдаргом, Пайа-рик туманлари пахтакорла-ри салмоқли ҳисса қўшил-ди. Далада ишловчилар учун зарур маданий-маи-ший шароит яратилганли-ги, теримчилар учун қулик-ҳақ тўлаш жорий этилган-лиги ўз самарасини бер-ди.

Мамлакатимиз Прези-денти Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Самар-қанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сес-сиясида сўзлаган нутқи барча самарқандликларни, шу жумладан, пахтакорлар-ни ҳам адолат, ватан ва хал-қ манфаатларини ҳар нар-садан устун қўйиб ишни янгилаш ташкил этишга, иқ-тисодий ислохотларни яна-да чуқурлаштиришга унда-моқда. Айни кунларда улар далалардаги ҳосил-ни нест-нобуд қилмай йи-гиштириб олиш, келгуси йил учун пухта замин яра-тиш йўлида астойдил меҳ-нат қилмоқдалар.

Ҳамза ШУКУРОВ,  
ЎЗА мухбири.

# Юксак маънавият-жамият таракқиётининг асоси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йулбошимизнинг бу эътирозини куйидаги далиллар тўла тасдиқлайди: Ҳаёт Гафоров раҳбарлиги даврида туман, шаҳар ҳокимларининг 90 фоизи, бошқарув аппарати, маданият ва иқтисодий соҳалари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари 100 фоиз алмаштирилган. Ахвол шу даражага етиб борганки, вилоят ҳокимлиги, ағросаноат масалалари гуруҳи раҳбари 7 марта, вилоят «Мева-сабзавот» бирлашмаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, вилоят транспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси, вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари 4 марта, вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси раҳбари эса 3 марта алмаштирилган.

Вилоят раҳбарлари нефть, дон, мева-сабзавот, пахта тайёрлаш, савдо ташкилотлари ва бозор раҳбарларини тез-тез алмаштириш касалига дучор бўлган. Ҳоким ўзи умр йўлдошини вилоятдаги чет эл ваколатхонасига, кўеви ва қизини Тошкент шаҳридаги Навоий вилоятининг энг йирик корхоналари - «Қизилқумдент», «Навоийазот» ваколатхоналарига раҳбар қилиб қўйишдан, бошқа қариндошларига, оиласининг аъзоларига «мойли» жойлар инъом этишдан уялмаганига нима деса бўлади?

Халқимизда «ковун қовунни қуриб қизаради», деган мақол бор. Ҳокимнинг рафторига қараб, унинг ўринбосари Ж.Ризаев вилоят дон тайёрлов идораси раҳбари ўринбосарлигига ўғли Аминжон Ризаевни, «Қишлоқхўжалиқнинг таъмири» ҳиссдорлик жамиятини бўлиб бошлиғи лавозимига қудаси Юсуповни ўтказиб қўйган. Оғайилари бўлиши ака-ука Мамиковлардан бирини - вилоят дон уруғчилиги маркази бошлиғи, иккинчисини - хўжалик раҳбари лавозими билан «сыйлаган». Божаси, кўеви ва яна бир ўғли «ҳоким ота»нинг ёрдамида молия ва банк ташкилотларига ишга жойлаштирилган.

Вилоят ҳокимининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари А.Халимовнинг 5 нафар қариндоши банк соҳасидаги турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган. Унинг қариндошларига тегишли бўлган фирмаларга ҳамма жойда «кук чирок» ёқиб қўйилган. Фақатгина 1997 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида «Абдухалимов» корхонасига 10 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилган. Фирмага шу кредит ҳисобидан ун ва шакар сотиб олиш учун дарҳол зарур фондлар ҳам ажратилган.

Фирманинг номидан ҳам маълумки, унинг соҳиб албатта жаноҳ Халимовнинг оталари бўлиши керак. Холбуки, айна шу пайтда қанчадан-қанча ишбилармонлар, фермер ва хусусий корхона эгалари ердан ололмайдиган, тўрачилик ва таъмагирилик дастидан дод дейишмоқда. Вилоятда уларнинг оҳини эшитадиган одам эса топилмайди.

Ҳоким ўринбосарлари Ж.Ризаев ва А.Халимовлар юррида айтилган камчиликлар учун ҳизмат вази-фасидан озод қилиндилар. Лекин гап фақат уларни ишдан бўшатишдагина эмас. Нима учун айна шундай нуқсонларга йўл қўйилди? Нима учун улар шу даражада мансабни суиистеъмол қилишдию, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликка берилиб

кетишдию, биров уларга ўз вақтида танбех бермайдими?

Шу ўринда ҳоким қаерда эди? Наҳотки у, пинжидеги икки ўринбосарининг бу ноҳуя хатти-ҳаракатларидан беҳабар бўлган, деган савол туғилади. Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, вилоят раҳбарлари қарларни танлашда, амалга қўйишда «ўзимники ва ўзганики», «қарши ва тарафдор», «садоқатли ва садоқатсиз» каби алмисоқ-ридан қолган ақида таъсиридан халос бўлмаган. Иш ва бошқарув самараси ҳақида қайғуриш, халқнинг оғирини енгил қилиш ўрнига, ўзининг хузур-ҳаловатини уйлаган.

Табиий равишда бу ҳол вилоятда носоголом муҳитни юзага келтирди. Минглаб одамларнинг ҳақли носозлигига сабаб бўлди. Натижа шунга олиб келдики, назорат йўқлигини сезган турли тоифадаги бевўз раҳбарлар кўнгли тусадан ишни қилверди. Пировард-оқибатда бутун бошли идоралар, ташкилотлар обрўсига доғ тушди, халқнинг вилоят, туман раҳбарлигига ишончи йўқолмоқда.

Афсуски, бу фикримизни тасдиқ этадиган далиллар ва мисоллар жуда кўп. Масалан, Навоий вилоят солиқ бошқармаси бошлигининг ўринбосари Қ.Абдулломов аттестациядан ўтолмаганига қарамай, Зарафшон шаҳар солиқ инспекциясига раҳбар этиб тайинланди. Орадан уч ой вақт ўтмасдан Навоий шаҳар солиқ инспекцияси раҳбари лавозимига ўтказилди.

Сиёсий маҳдудлик шу даражага бориб етдики, шахсий садоқатли кадрлар танлашнинг бош мезони деб билган яна бир кимса - вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳининг собиқ раҳбари Б.Сон амалда вилоятнинг иккинчи раҳбарига айланиб қолди.

Акс ҳолда, оддий аппарат ходимининг вилоят ҳокими ўринбосарлигига ҳам, шаҳар ва туман ҳокимларига ҳам тўғридан-тўғри турли курсатилган беравганига ва улар бўйруқни қулук қокмай бажарверганини қандай баҳолаш мумкин?

Агар вилоят ҳокими томонидан рағбат берилмаса, Сон жаноҳларининг бунга ҳадди сизгармиди? Хайриятки, вилоятда ҳокими мутлақ бўлишига бир баҳа қолган бу «зоти бузруғ» Президент девони аралашувидан сўнг лавозимидан четлаштирилди. Вилоятда маънавий муҳитнинг бузилгани, айрим раҳбарларнинг орасида суянган тоғи, химоячиси борлигига ишонгани нақадар хунук оқибатларга олиб келганини яна шундан ҳам сезиш мумкинки, 1995-1998 йилларда бир қанча раҳбар ва мансабдор шахслар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Жумладан, ўзларига юклатилган мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганликлари учун «Ғаллаба»нинг вилоят бўлими собиқ бошқарувчиси И.Саъдинов, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки вилоят бўлимининг собиқ бошқарувчиси Ж.Неъматов, «Навоий дон маҳсулотлари» ҳиссдорлик жамиятининг собиқ раиси А.Адинов, Навбахор тумани ҳокимининг собиқ ўринбосари Э.Эрназаров жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳокимнинг яна бир ишонган кадри - вилоят молия бошқармасининг собиқ бошлиғи А.Раззоқов миллионлаб сўм бюджет маблағларини доимий равишда узбошимчилик билан сарфлаган. Ўзига бую-

жет ҳисобидан хизмат машинаси сотиб олган. Беморларнинг озиқ-овқатига ажратилган маблағлар ҳисобидан касалхоналарнинг бош врачларига енгил автомобиллар олиб берган. Жаноб Раззоқовнинг «саховати» туфайли «Зарафшон» футбол клуби ривож учун муҳалланган пул ҳисобидан вилоят спорт кўмитаси раҳбарига енгил машина теккан. Бундан ташқари, ҳар бир тийинни тежаси лозим бўлган вилоят молия мутасаддиси турли фирмаларга халқ меҳнати эвазига топилган пуллари «инъом» этган. Бу каби ҳолатиқиларнинг туб сабабларини тегишли органлар пухта текшириб, ўз хулосасини чиқариши лозим, деб ўйлаймиш.

Энди қуйидаги мисолга эътибор беринг: вилоят марказида йўловчи катновини яхшилаш мақсадида «Навоийтреллебуз» уюшмаси тузилган эди. Тўрт йил бўлдики, ташкилот бор-у, аммо треллебуздан дарак йўқ. Маълум бўлдики, уюшма раҳбари Х.Рус-тамов мазкур корхонада жинояткорона «оилавий пудрат» тузиб, яъни ўғли, укаси, синглиси ва ҳоказо қариндошлари билан ўзаро тил бириктириб, ташкилотнинг қатта маблағларини талон-тарож қилган экан.

Бу каби иллатларнинг илдини, негизи қаерда? Нега вилоятда қонун ва тартиб бу қадар оёқости қилинди? Қонун бажарилишини назорат қиладиган, давлат бойлигини химоя этувчи, айна вақтда иссоф ва диёнатни унутган кимсаларни, айниқса, ҳалқдан ошган, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, кутуриб кетган бундай раҳбарларни тартибга чақирадиган одам борми ўзи?

Қуни кеча Самарқанд вилоятида раҳбар маънавияти, унинг жамият олдидаги бурчи ва маъсулияти ҳақида аччиқ гаплар айтилди, дея эслатди Ислам Каримов. Самарқандда айтилган бир гапни яна бир бор таъкидлаш жоизки, эл ишончи топширган вазиранинг суиистеъмол қиладиган, шахсий манфаатини халқ ва давлат манфаатидан устун биладиган, ўзига ортқча бино қўйиб, барчанинг нафратини қўзғатадиган раҳбарлар билан асло келиша олмаймиш! Одамлар ишончидан маҳрум бўлган бундай кимсалар ўрнини бўшатиб бериши керак. Уларни қонун асосида жавобгарликка тортиш лозим.

Бу бало-қозодан қандай қутулиш мумкин, бу муаммонинг қандай ечими бор? 1/ Эски асоротлардан жудо бўлган, замон талабига жавоб берадиган ёшларни қўлаб-қувватлаш;

2/ Кўп партиявийлик асосидаги жамоатчилик назоратини қучайтириш, жамиятда демократик таъмоилларни мустаҳкамлаш;

3/ Мулкчилик масаласини ечиш;

4/ Соғлом кучларни бирлаштириш ва янги ҳаракат, сиёсий кучлар фаолиятига йўл очиб бериш. Ишонинг ўз ҳолига ташлаб қўйилган, раҳбарларнинг ўз манфаати, ўз ташвиши билан оворалиғи шунга олиб келдики, Навоий вилояти жиноятчиликнинг ўсиши бўйича мамлакатда энг биринчи ва энг аянчли ўринда турибди. Бу ерда умумий жиноятлар сони ҳар минг кишига ҳисоблаганда, республика кўрсаткичидан 24 фоиз кўлди.

Бизнингча бу ҳолнинг сабабларидан бири вилоятда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг иши мутлақо қонқарли эмаслиғидир. Шу боис, вилоятда юз бераётган қатор қо-

тиллиқлар, ўта шафқатсизлик билан содир этилган жиноятлар жамоатчиликни ташвишга солимоқда.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, хусусан, ёнилғи-мой-лаш материалларини гайриқонуний сотиш, маҳсулотлар сифатини белгиловчи ҳужжатларсиз савдо қилиш, солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш, харидор ва буюртмачилар ҳақидаги ҳиёнат қилиш, бозорларда савдо қилдирилган сунраксига бўзиш ҳоллари ҳам кўпайиб бормоқда.

Бу каби хунук иллатларнинг олдини олиши ва уларни бартараф этиши лозим бўлган маъсул шахсларнинг ўзи жиноятга қўл зурса, бунга қандай тоқат қилиб бўлади?

Қуйидаги фактларга эътибор беринг: Фақат 1997-1998 йилларнинг ўзида вилоят ички ишлар ходимларидан 32 кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Улар жиноятларни фож этиш ўрнига жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилмаслик, жиноятлар сонини ҳисобдан яшириш йўлига ўтиб олишган.

Вилоятда уюшган жиноятчиликнинг, коррупциянинг чуқур илди этгани ва бу ҳолнинг жамият ҳаётига таҳдид солаётгани айниқса ташвишлиқдир. Бу ҳолга кескин чек қўйиш ва зарба бериш лозим.

Бизнинг халқимиз жуда олижаноб, унча-мунча кичинчиликларни писанд қилмайдиган, ҳар нарсадан ҳам нолийвермайдиган халқ, дея давом этди Президент. Шу сабабли, биродан ҳол-ахвол сўрасанг, энг очоқроқ жавоб ҳам, «худога шукр, яхши», деб жавоб беради. Лекин азиз биродарлар, тушунинглар, ҳар қандай сабу тоқатнинг ҳам чеки-чегараси бор. Халқимизнинг бундай танитилини, бағри кенглигини суиистеъмол қилмаслик керак.

Энди шу нуқтани назардан, оддий халқ учун энг зарур, энг ҳаётий ахтиёж бўлиши соғлиқни сақлаш, мактаб-маориф, маданият ва бошқа ижтимоий соҳалар аҳолига бир назар таштайлик.

Вилоятда бемор болаларнинг доволлаш ўринлари кейинги уч йил мобайнида 26 фоизга камайиб кетган. Аналар ва болалар ўлими бошқа вилоятларга нисбатан 10 фоизга кўп. Умуман, аҳолининг касаллиши даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан 20 фоизга ортиқдир. Маҳаллий бошқарув органларининг эътиборсизлиги туфайли Томди, Қонимех туманларидаги қишлоқ тиббий муассасалари аҳолига зарур ёрдам кўрсата олмайпти. Улар ўз вақтида дори-дармон билан таъминланмапти. Вилоятда ҳанузгача иختисолаштирилган кардиология, онкология ва эндокринология диспансерлари мослаштирилган биноларда ишламоқда.

Маориф соҳасига келсак, вилоятдаги мактабларнинг 60 фоизи шароити чекланган, мослаштирилган биноларда жойлашган. 8 та мактаб биноси эса мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ҳар тўрт мактабнинг учтасига газ ўтказилмаган. Жами мактабларнинг ярми тоза сув билан таъминланмаган. Мактабларнинг аксариятида ошхона ва спорт заллари йўқ.

Таассуфлар бўлсинки, энг янги, кечганича қуриб битказилган мактабларда компьютер ва бошқа замонавий жиҳозлар ўёқда турсин, оддий ўриндиқлар ҳам

етишмайди. Жижилар ўз йўлига, лекин вилоят мактабларида биз умид болмаган, келажгимиз вориси бўлмиш ёш авлодга атиги 10-синф маълумотига эга бўлган 422 нафар ўқувчига сабоқ бераётганига қандай чидаш мумкин?

Вилоятда аҳолини газ ва тоза сув билан таъминлаш хануз катта муаммолигача қолмоқда. Навбахор, Қизилтепа туманларида тоза ичимлик суви билан таъминлаш 35-40, табиий газ билан таъминлаш даражаси Навбахор туманида 41 фоизни ташкил этади, ҳолос.

Вилоятда ўй-ҳой қурилиши 40 фоизга камайиб кетган. Зудлик билан зарур чоралар кўрилмаса, ҳуқуматнинг қишлоқ инфратузилмасини 2000 йилгача ривожлантириш ҳақидаги қарори, ўй-ҳой қурилишини қўлаб-қувватлаш бўйича давлат дастури барбод бўлиши мумкин.

Навоий вилоятда савдо ва маийш хизмат кўрсатиш ишлари ҳам етарли эътибор берилмапти. Вилоятнинг кўп жойларида, айниқса, Қизилтепа, Хатирчи ва Нурота туманларида 8 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг сотувда йўқлиги учун оддий халқ олдида ким жавоб беради? Пулли хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ахвол ачинарли.

Вилоят бошқарув тизимидаги нуқсонлар, қонунбузарлик, жиноятчиликнинг хавфли даражада кўпайиши, энг аввало, жойларда маданий-маънавийнинг сусайиб кетганидан далолат беради. Янада аниқроқ айтганда, Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг вилоят бўлими, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари иши замон талабларига жавоб берадими?

Буни шундан ҳам билиш мумкинки, кейинги йилларда Навоий вилоятда бирон-бир йирик маданий-маърифий тадбир ўтказилганини ҳеч ким эслай олмайди.

Холбуки, мамлакатимиз аҳли жуда катта маънавий юксалиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Миллий кадрларимиз, аъналаримиз қайта тикланмоқда. Буюқ аждодларимизнинг таваллуд тўйларини нафақат ўз мамлакатимиз, балки бутун дунё миксидан нишонлаялмиш.

Лекин Навоий вилоятда шундай бир кайфият ҳуқмонки, гўё бу замин халқимизда кечганига пайдо бўлгандай! Маънавий, тарихий хотира, миллий кадрият тушунчаларининг жамият ҳаётдаги, ёш авлодга ўз ватани ва халқига садоқат рўзига тарбиялашда аҳамияти тўғрисида гапирар экан, йулбошимиз махлус аҳлига мурожаат қилиб шундай деди:

Азиз биродарлар, барака топқурлар, айтингларчи, сизлар ҳар қуни қўриб ва кезиб юрадиган Карман шаҳрининг ёши нечада? Ёки Қўли Малиқдаги эски работ ва сардобалар қачон пайдо бўлган?

Саришим дараеси ва горидидаги ибтидоий судлар бу улканинг энг қадимий маданият бешиқларидан бири эканидан дарак бермайдими?

Нуротадаги эски тўғончи? Янгилишмасам, бу тўғон марказий Осиёдаги энг қадимий сув иншоотларининг биригуми?

Бирун тақир сахро бағрида Навоий каби қўрқам шаҳарнинг қад рўстлаб турганининг ўзи бир мўжиза эмасми? Навоийликлар фахр эт-

са ва ўзгаларга кўз-кўз қилса арзийдиган нарсалар, буюқ аждодларимиз ақлу заковати билан бунёд этилган тарихий, маданий ёдгорликлар оэми?

Бунинг қадрига етиш, таърифу тавсифини жой-жойига қўйиш, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда тараннум этиш учун, энг аввало, шу юрт фарзандларида чин эътиқод, чин муҳаббат ва чинакам илоҳ бўлиши керак, деб ўйлайман.

Энди зикр этилмиш савобли ишларга бош-қош бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши вилоят оммавий ахборот воситаларининг аҳолига назар ташлайлик.

Афсуски, вилоятда «Тўртинчи ҳокимият» вакиллари ўзларининг асосий вазибаларини унутиб қўйишган қўринадди. Чоп этилаётган эшиттириш ва курсатувлар муаллифлари нуқул майда ютуқларни мақташдан нарига ўтмапти. Сиёсатимизнинг устивор йўналишлари, уни вилоятда амалга оширишдаги камчиликларининг рўй-рост ёритиб берилмапти.

Аслида ёзаман, кўрсатаман, деган мард муҳбир учун вилоятда муаммо ва нуқсонлар қамми?

Ҳинда вилоят газетасида пахта терими мавзуга бағишланган бир кичик мақола босилди. Нима экан денг, жаноб Гафоровнинг турмуш ўртоқлари, катта бошларини кичик қилиб, пахта териш учун далага чиққан эканлар! Ана сизга сенсация! Ана сизга оламшумул янгилик! Буни ўқиб беҳиштир муҳбиригиз бундан бошқа гап қуриб қолганми? Уят, диёнат ва инсоф борми ўзи, дегингиз келадими.

Кўриниб турибдики, вилоятда тўпланиб қолган муаммолар жуда кўп. Уларнинг сабаби эса битта - вилоят раҳбари, аччиқ бўлса ҳам айтиш жоизки, вилоятнинг аксарият фаолаларида узокни қўлаб ишлаш, изланиш бўлмаган.

Мутхасар айтганда, вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазият таҳлили аҳволни тубдан ва кескин ўзгартиришни тақозо этади.

Бунинг учун эса вилоят раҳбари давлат ва халқ манфаатини, қонун ва адолатни, оддий халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун билиши керак.

Вилоят раҳбари каттаю кичик, ёшу қари - жамик вилоят ахлининг бошини қуватириши, уларни ушлу мақсад, бунёдкорлик ишлари, фаровон ва буюқ келажак йўлида жиқслаштириши, сафарбар этиши, халқнинг бор қуч-ғайратини мавжуд муаммоларни ҳал этишга йўналтирмоғи керак.

Республикамизда энг катта ҳудудга ва қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Навоий вилоятининг бойлиғи - унинг оғир-вазмин, ориятли ва меҳнатқаш халқидир, деди Ислам Каримов пировардидан. Бу халқнинг кўнглини топган, дардига қириб борган, юрага ташвишларига ошно бўлган раҳбар ўзини бахтиёр деб билса арзийди. Чунки бундай халқ билан ҳар қандай муаммони еса бўлади.

Еруғ истиқбол учун каттаю кичик аҳиллик билан, қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, ўйлайманки, вилоят ижтимоий-иқтисодий тарақиёти тезлашади, аҳолининг фаровонлик даражаси юксалади.

Энг муҳими, халқимизнинг аҳиллиги, адолатли ишончи, шу орқали меҳнатга муносабати, шижоати ошади.

/Ў.А./

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт олий ўқув юрларида профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларнинг сони 1:6 нисбатда белгилансин.

7. 1998-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури аналга оширишга доир асосий чора-тадбирлар тасдиқлансин.

8. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури аналга ошириш ташкил этиш ва назорат қилиш Республика комиссияси (бундан бунён Республика комиссияси деб юрилади) тузилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазибалари этиб белгилансин: Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни амалга ошириш билан алоқадор вазирилари, идоралар, муассасаларнинг, шунингдек мулкчилик шаклилардан қатъи назар барча ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Давлат дастури талабларига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимининг амалдаги ҳуқуқига ва мезърий асосларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларнинг янгилигини ишлаб чиқиш;

халқроқ ташкилотлар, хорижий сармоядорлар, жамғармалар ва жамоат ташкилотларининг маблағларини соғлиқни сақлаш тизимига жалб этиш учун шарт-шароит яратиш; Давлат дастури бажарилишининг мунтазам мониторингини ташкил этиб, Вазирилар Мақамасига йилнинг ҳар чорагида ҳисобот тақдим этиш.

Республика комиссияси зарур ҳолларда тиббий суғурта тизимини жорий этиш, соғлиқни сақлаш соҳасини муолажалаш тубдан ўзгартариш, тиббиёт муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш, соғлиқни сақлаш тизимининг нодавлат сектори ва хусусий доволлашни ривожлантириш бўйича қонун ҳужжатларни лойиҳаларини, мезърий-услубий ҳамда бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун юқори маалаки маҳалли ва хорижий экспертлардан иборат ишчи гуруҳларини ташкил қилиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодий ва статистика вазириги, молия вазириги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан бирга 1999 йилнинг 1 июлига қадар қишлоқ ва маҳалла (шаҳар) врачлик пунктлари тармоғини ривожлантиришнинг лимитларини кўзда тутиларин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириги, Молия вазириги, Макроиктисодий ва статистика вазириги, «Маҳалла» жамғармаси билан бирга 1999 йилнинг 1 июлига қадар қишлоқ ва маҳалла (шаҳар) врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, қабул қилинсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари, шу жумладан, босқунча-босқунчи пулли тиббий хизматга утилиши муносабати билан тиббиёт муассасалари харажатларидан тежаб қолинган маблағлар, корхоналар ва ташкилотларнинг, хомийларнинг, бевосита хорижий сармоядорларини маблағлари қишлоқ врачлик пунктларини ривожлантириш дастурини муолажалашнинг асосий манбалари ҳисобланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Тошкент шаҳри, 1998 йил 10 ноябрь.

лигининг марказий аппаратида давлат тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва ажратилаётган бюджет маблағларидан ўринли фойдаланилишни назорат қилиш Бош бошқармаси 9 кишидан иборат таркибда ташкил этилсин. Аҳолига тиббий ёрдамни ташкил этиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш билан банд бўлган бўлимлар жорий йил учун белгиланган ҳодимлар сони ва маблағлар доирасида мустаҳкамлансин, уларнинг зиммасига хусусий соғлиқни сақлаш тизимининг ташкил этилишини назорат қилиш юксалисин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириги, Халқ таълими вазириги, Давлат спорт қўмитаси, бошқа вазирилари ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси 1999 йилнинг 1 январига қадар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан Республика комиссияси билан келишилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, қабул қилинсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазириги /Р.Азимов/ зиммасига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури молиявий таъминлаш, шу мақсадда хорижий сармоянинг жалб этиш ва жалб этилаётган хорижий кредитларга белгиланган тартибда қабулгарлик бериш учун жавобгар

«ЎздЭУавто» қўшма корхонаси республикамиз ҳаётида катта сиёсий, маънавий аҳамиятга эга бўлиши билан биргаликда, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Ислол КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

# ЎЗБЕКИСТОН МУЪЖИЗАСИ

«Ўз ДЭУ авто» ва «Ишонч» ҳамкорлиги

Корхона икки йилда қуриб битказилди. Рекорд. Бир қарашда бунга ишонгинг келмайди. Аммо, Президент Ислол Каримов арапашган иш муъжиза билан яқунланишига ишондим.

Кван Ки Ли,  
«ДЭУ» Президенти.

## Ғамхўрлик

Мирфозил ОЛИМОВ, корхона касаба уюшма кўмитаси раиси

### МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Корхонамиз маъмурияти билан тузилган жамоа шартномасида меҳнат кишиси манфаатлари тўла ўз ақсини топган. Ҳозирда ажойиб цехларимизда 3860 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Шароитлар мактабга арзигулик. Икки маҳал бепул овқат берилади. Бизга туман ва шаҳарлардан қатнаб ишлаётганлар учун махсус хизмат автомашиналари ажратилган. Ойлик маошлар тобора ортиб бормоқда. Меҳнатчилар ойига ўн минг сўмдан ошириб маош оладилар.

Серфарзанд, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишилар йўқ эмас, албатта. Бултур 210 кишига 193.800 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатган эдик. Жорий йилнинг ярим йили давомида 140 кишига 120 минг сўмлик

малад пули берилди, 88 кишига қурилиш материалларидан ёрдамлашилди. Ўзбекистон муъжизаси деб таъриф берилаётган корхонамизда барча ишлар қатъий режа асосида олиб борилади. Автомобилларга киритилаётган ҳар бир ўзгариш албатта синовдан ўтказилади. Чизмалар кўпроқ Кореядан олиб келинади. Ҳамжихатликни кенг ривожлантирганмиз. Масалан, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмасига асосан «Дамас» русумли «тез ёрдам» машиналари ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги буюртмасига биноан «Нексия», «Дамас» автомашиналарининг махсус моделлари яратилди. Шу кунларда нон ташишга мўлжалланган янги автомашина яратилиши устидан изланишлар олиб бори-



Йигув цехи ишчиси Илҳом Зокиров қисқа вақт ичида нозик касб сирларини пухта ўзлаштириб олди. У ишни сифатли бажаришда барчага намуна бўлмоқда.



Конвейердан тайёр машиналар тушмоқда.

## Эътироф

Д.ПАК, корейлик мутахассис

### ЎЗБЕКЛАР ЖАҲОНДА ЭНГ ИСТЕЪДОДЛИ ХАЛҚ

Ўзбекистонда яшаб бир нарсани қатъий иқдор бўлдим: Президент Ислол Каримов бошлаган йўлларнинг барчаси янги, саодатга элгувчи йўллардир. Улкан корхонамизнинг бунёд этилиши ҳам шу азиз инсоннинг номи, ташаббуси билан бевосита боғлиқ. Андижонда юзга яқин турли қўшма корхоналар ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозори андозаларига тўғри келади. Мени таажжубга солган нарсани яна шуки, ўтган олти-етти йил ичида ўзбек йигитлари ва қизлари тараққий этган мамлакатларнинг энг замонавий техникасининггина эмас, кенг тарқалган ёки ўша техникаларни кашф этган мамлакатлар тажриба-

сини ҳам, тилларини ҳам пухта ўрганиб олдилар. Мураккаб роботларни бошқараётган қалби оловлар инглиз, корейс, рус ва бошқа тилларда бемалол сўзлашлари иш юритишда фойда асқотаётди. Роботлар тилини англаш, уни ўзига бўйсундириш катта билим ва қobiliyat талаб қилади. Ўзбек ёшларида эса бундай истеъдод бор. Юртимдагилар мендан шу жаннатмакон юртининг одамлари ҳақида қизиқиб сўраганида «Ўзбеклар жаҳонда энг истеъдодли халқ» деган иборани тез-тез ишлатаман. Бу менинг самимий эътиромим ҳамдир.

Кўпчилик ўзбек йигитлари билан қадрлашиб кетдик. Сифатли ишлашда барчани лол қолдираётган Баҳодир Эсонбоев, Аваз Ҳақимов, Маҳмуд Умурзоқов, Ясул Убайдуллаевлар муъжиза корхонанинг ҳақиқий эгаларидир. Бу йигитларнинг келажаги порлоқ. Президент Ислол Каримов бир вақтлар телевизор орқали Жанубий Кореяга қилган сафари таассуротларини сўзлар экан: «Мана кўрасиз, яқин фурсат ичида биз бу қурилишни тугаллашимиз ва иншооллоҳ, деярли ҳар бир хонадонда Ватанимизда чиққан енгил машина хизматда бўлади» деганди. Ана шу орзу не ажабки эндиликда аниқ воқеликка айланди. Жаннатмакон Ўзбекистонда кунда бир ўзгариш, кунда бир янгилик...

## Шукрона

Назира КАМОЛОВА, ишчи

### ТАҚДИРИМДАН МАМНУНМАН

Корхонамизда 285 нафар аёл ишлайди. Улар алоҳида меҳрибонлик билан қўриқиб олинган. Масалан, 261 ишчи-хизматчи оиласида фарзанд туғилиши муносабати билан берилаётган нафақа миқдори 410400 сўмни ташкил этмоқда. Моддий ёрдам учун ажратилган маблағ миқдори эса икки ярим миллиондан ошади. Маъмурият, касаба уюшма кўмитаси соғлигимизни сақлаш, касб касалликларини олдини олиш мақсадида меҳнатчиларни ҳар йили диспансер кўригидан ўтказишади. Шу йил сентябрдан кучга кирган «Оила кодекси» билан батафсил танишиб чиқдик. Бу ҳақ-ҳуқуқимизни яхшироқ таниш, унумли меҳнат қилишимизда қўл келмоқда.

Кези келганда бир нарсани мамнуният билан эътироф этмоқчиман: касаба уюшмамиз ташаббуси билан Андижондаги болалар клиникасига 12 нафар ногирон ишчиларнинг болалари ётқизиблиб ўз ҳасталиклариغا шифо топдилар. Шу хайрли иш учун 40 минг сўм маблағ ўтказилибди. Заводдаги экологик аҳволни ўрганиш юзасидан белгиланган тадбирлар муҳокамасидан сўнг кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларига катта аҳамият берилди. Ёшларимиз аъёнлар руҳида тарбияланмоқда. Бирон киши пенсияга кузатиладиган бўлса, албатта шогирдлари билан хайрлашув учрашуви ўтказилади. Меҳнат фахрийсига бир оқладдан уч оқладгача миқдорда корхона ҳисобидан рағбат пули, қимматбахо совғалар топширилади. Демокриманки, ҳар биримиз шу муъжизакор корхонага келиб, муносиб қадр топдик. Меҳру оқибат кучайиб бормоқда. Қайфият яхши бўлгандан кейин инсон ташаббуслар билан майдонга чиқади. Сатъ-харакатларимизни уйғунлаштириб етим болалар уйи тарбияланувчиларидан уч нафарига корхонамизнинг ўзидан суннат тўй қилиб бердик. Меҳримиз тушган жажжининг ҳар бирига бош-оёқ сарполар қилинди. Энг муҳими, уларнинг кўнгли кўтарилди, ҳаётда ёлғиз эмасликларини англаб етдилар. «ЎздЭУавто» қўшма корхонасида ҳаёт шундай мазмунли кечмоқда.



Мотор йигув участкасида энг лаёқатли кишилар меҳнат қилишади. Корейлик мутахассислар Баҳодир Эсонбоевнинг иқтидорига юксак баҳо бердилар.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

## Салоҳият

Маҳмуд УМРЗОҚОВ, уста

### РОБОТЛАР ИЗМИМИЗГА БЎЙСУНДИ


Авазжон Ҳақимов деҳқон фарзанди. Тақдир тақозоси билан у машинасозлар сафига қўшилди. Вазифага масъулият билан ёндошадиган йигит эндиликда лаёқатли шогирдлар тайёрламоқда.

Ўша кун сира ёдимиздан чиқмайди. Корхона қурилиши жадал борарди. Ана шундай кезларнинг бирида муҳтарам Президентимиз ташириш буюрдилар. Давлатимизнинг раҳбари қурилиш майдонида ишчилар билан кўчак очиб кўришди, улар бошлаган ишга жаҳон кўз тикиб турганини, фидойилар чинакам тарих яратётганликларини таъкидладилар.

Шундан сўнг ишлар янада жонланиб кетди. Иқтидорли ёшлар аввало корхонанинг ўзидан ўқитилди. Баъзи бахти қонганлар уч ойдан тўққиз ойгача Қурияга ўқишга юборилди. Хуллас, корхона иш бошлагунча 1500 ишчи, уста ва муҳандис хорижда таълим олиб қайтди. 1996 йилнинг 25 мартда биринчи автомобиль - «Дамас» дунёга келди. Кўп ўтмай «Тико» линияси ишга тушди.

Вақт ўтиши билан жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган, ёнилғини кам сарфлайдиган, ихчам, бошқариш қулай бўлган «Тико»ларни йилга 50 минг донагача ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлинди. Ажойиб тулпорлар ёнига «Нексия»нинг қўшилиши барчани қувонтириб юборди. Умуман 1996 йил 17 апрелдан 1998 йилгача жами 104581 та автомобиль, шу жумладан 22104 та «Дамас», 28933 та «Тико», 53544 та «Нексия» ишлаб чиқарилди. Миқозлар тулпорларимизнинг сифатлилиги, замонавийлигини алоҳида эътироф этишяпти.

Вақт ўзбек йигитлари ниҳоятда салоҳиятли, уқувли эканлигини кўрсатди. Замонавий робот ва компьютерларни моҳирона бошқараямиз. Цехларда ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилинади. Ҳар бир ишчи ўз вазифасини сифатли бажариши шарт. Бирон ишда лоқайдлик қилинса, албатта назоратчиларимиз уни тезда илғайдилар. Шундан кейин ҳамкасблар олдида ўта ноқулай аҳволда қолинади. Конвейерга ҳамоҳанг ишлаб, вазифани бекаму-кўст бажариш қатъий қоидага айланган. Дўстларим ҳам мана шундай муъжиза қўшма корхонада ишлаш насиб этганлигидан жуда хурсандлар. Азим шаҳарларимизни кезганимизда ажойиб тулпорларимизга кўзимиз тушаркан, қалбимизни масрур туйғулар чулғайди.



## Фахр

Ҳасанбой ДАДАЖОНОВ, ишчи

### БУ ЕРДА ИШЛАШ БАХТ!

Ҳар кунни қадрдон корхонамга кўтаринки қайфиятда қадам ранжидан қиламан. Бу ерда ишлашнинг ўзи катта саодат. Энг замонавий технология, баҳоси йўқ ускуналар иштиёришимизда. Ҳар бир ходим йил давомида ёлғиз ва қишлоқ махсус кийим билан таъминланади. Шунингдек, бажараётган ишчимизга қараб турли хил индивидуал ҳимоя воситалари берилади. Очиқ ҳавода меҳнат қилувчилар ҳам алоҳида меҳру оғушида. Цехларимизда ўриштирилган замонавий дастгоҳлар узини-

нг қулайлиги, юқори унумлигини ташқари турли тасодифлардан ҳимоя қилувчи куришларга эгаллиги билан бошқа корхоналардагидан устунлик қилади. Қисқа вақт ичида нозик касб сирларини пухта ўзлаштириб олдим. Энди бу ҳунар билан кам бўлайман. Ена-ён ишлаётган дўстларим Назиржон Насриддинов, Хайрулла Мадраҳимов, Туроқул Турдиевлар ишни сифатли бажаришда барчага урнат бўлишаёпти.

Ўзбекистон фахри бўлиш қўшма корхонамизда тайёрланаётган «Нек-

бахтимизни топиб, ажойиб касб эгаси бўганимиздан бошимиз осмонда. Буларнинг ҳаммаси истиқлол шарофатидандир!

Пайвандчилар цехида энг уқувли ишчилар меҳнат қилишади. Бу ерда асосий ишни роботлар бажаради. Юқори малакали ходимлар эса уларни компьютер ёрдамида бошқариб туришади. Иш ҳақи вақтда туланади. Топиштиришим жойида. Ойига ўрта ҳисобда ўн минг сўм олайман. Орауларим бирин-кетин ушалоқда.

Саҳифани тайёрловчилар: Мирғиёс КАЙМОВ, Зайниддин РИХСИЕВ, Фуломжон ЮСУПОВ, Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА, Қобилжон ШОКИРОВ.

## Ҳамжихатлик

Аҳамжон ҲАКИМОВ, менежер

### ДЕҲҚОН ФАРЗАНДИ – ҚЎЛИ ГУЛ УСТА

Жаҳон бозорига чиқмай туриб ёрқин орзуларга эришиш мумкин эмас. Бозор иқтисодиёти, бу фақат савдо-сотиқ, бизнесдан иборат эмас. У аввало ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тажриба алмашиш, ҳам ўрганиш, ҳам ўргатиш демакдир. Иқтисодиёт кенг йўлга қўйилмас, давлат ва халқ бойимас экан, шу

юртнинг жаҳон мамлакатлари орасида обрў-эътибори бўлмайди. Бу ҳаётини ҳақиқат.

Бизнинг қўшма корхонамиз шу улуг мақсадга хизмат қилмоқда. Катта, иноқ жамоода ишчилар завқу шавқ билан ишлашмоқда. Масалан, биргина пайвандлаш цехини олайлик. Иш ҳажми кенг, аммо ишловчилар сонини жуда оз. Сабаби асосий жараёнлар компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Ақлли роботлар юқори малакали ишчилар измига бўйсунган. Кишилар уртасида масъулиятни чуқур ҳис қилиш, муҳим ишга да-

ҳдорликни англаш ниҳоятда кучли. Шу ўринда ҳаётини мисол келтирсам. Сифат назоратчилари йигув цехи ходимларидан бири совуққонлик қилиб ишни кўнглидагидек бажармайпти, деган хулосага келдилар. Маълум бўлишича, қўшни қишлоқ йигитларидан бири тажрибасизлиги туфайли хатога йўл қўётган экан. Корхонада камчиликларга қарши муросасиз бўлинади. Бирок ёш ишчининг тиришқоқлиги, инсоний фазилатлари кўпчиликка маъқул тушган эди. Шу боис тажрибали ишчилар, мутахассислар уни оталиққа олишди.

Ярим йил деганда Ғанижон исмли йигитимиз энг олди касб кишилари қаторидан ўрин олди.

Ёш ишчилар вақти-вақти билан йигилиб ютуқларни мустаҳкамлаш, вақтдан унумли фойдаланиш хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ила ўртоқлашадилар. Шу тариқа мураббийчилик ҳаракати қатъий шаклланимоқда.

Ҳозирги кунда ўзим автомобиль салонинда кўпроқ қулайликлар яратиб устидан изланиш олиб бормоқдаман.

Огоҳ бўлинг

«САРИҚ» НЕГА ХАВФЛИ

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида сарик касаллигининг ва бошқа юкмли касалликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга бағишлаб республика кенгаши ўтказилди. Унда экология ва саломатлик кунларини ўтказиш республика ташкили кўмитасининг мазкур масалага бағишлаб яқинда ўтказилган мажлиси қарори қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди. Кенгашда бир қанча вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, болалар ва даволаш муассасалари раҳбарлари, эпидемиологлар, экологлар иштирок этди.

Мамлакатимизда эпидемиология жиҳатидан хавфсиз вазиятни сақлаб туриш жуда муҳим вазифадир, дейилди кенгашда. Юкмли касалликларнинг олдини олиш бу ишнинг асосини ташкил этади. Хозирги вақтда фақат давлат ва жамоат ташкилотларининг эмас, аҳоли ҳам касалликларнинг олдини олишда иштирок этишга жалб қилинган. «Экосан» жамғармаси республика Саломатлик маркази билан биргаликда санитария-гигиена билимларини тарғиб қилиш учун гепатит-сарик касаллигининг олдини олиш бўйича тавсиянома ишлаб чиқди. Тавсиянома яқин катта ичида кўп нусхада нашр этилади ва тарқатилади.

«Экосан» жамғармасининг раиси Ю.Шодиметов тўплаганларни юкмли касалликларнинг олдини олишга қаратилган яна икки тадбир билан таништирди. Чунки, сувни биологик жиҳатидан активлаштирадиган «Эсперо-6» курилмаларидан бир миллион сўмлик сотиб олинди. Улар ўрнатилган пойма-хтдаги 15 та болалар муассасалари раҳбарларига топширилди.

Жамғарманинг дезинфекция қилувчи янги самарали восита ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа «Полисепт» деб аталади. Кенгаш иштирокчилари даволаш муассасаларидан тортиб саноат корхоналарига ҳам, ижтимоий-маданий иншоотларда, савдода умумий оқватлиниш корхоналарида ҳамма жойда бу воситани кенг қўлланиш имкониятларини муҳокама қилди. Мутахассисларнинг айтишларига қараганда, бу воситадан ҳамма жойда, ҳатто уйларда ҳам фойдаланса бўлади. Чунки у инсон учун хавфсиз бўлиб, зарарли бактерияларни қирғиб ташлайди ва жуда тежамли. Кенгаш иштирокчилари «Полисепт» ишлаб чиқаришни маълумлашди. Юкмли касалликларнинг олдини олиш чоғида ундан дезинфекция қилувчи восита сифатида кенг фойдаланишни тавсия этдилар.

А. ИВАНОВА, Уза мухбири.

Мухбиримиз бонг уради

«ТЕЗ ЁРДАМ» ЁРДАМГА МУХТОЖ

Арносай туман марказий касалхонаси бош шифокори Тўлқин Ҳакимов ҳам радио эшитиб, телевизор томоша қилади. Иш столида газета-журналлари етарли. Лекин уларни ўқиш бошқа-ю ўқиш бошқа! Нега дейсизми?

Яқинда мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган давлат Дастури лойиҳаси муҳокамага бағишланган кенгашда юртбошимизнинг кўнучаклик билан таъкидлаган сўзларини ҳар биримиз зўр эътибор билан тингладик. Соҳадга камчилик ва нуқсонлар илдизи очиб ташланганда қалбимиз тубидоғи гаплар айтилаётганидан уни маълумланганимиз ҳам рост.

Хўш, шундай экан, кенгашда қайд этилган камчиликлар мазкур шифохонада ҳам борми?

Бу саволга бош шифокор анча узоқдан айлантириб жавоб берди. У гапни аввало шифохонанинг 15 йилдан бери таъмирланмагани ва туман иқтисодиёти ноқорлигидан бошлайди. Сўнг қишлоқлардаги бешта фельдшерлик пунктларини бирлаштириб шифокор амбулатория филиалларига айлантирганини эътироф этади.

Бирок, туманда бу йил болалар ўлими бултургидан кўпайгани, биргина октябр ойида беш нафар гудақнинг но-бўд бўлганини тилга оларкан, улардан икки нафари ота-оналар айби билан ҳаётдан кўз юмганини қайта-қайта таъкидлади. Эмишчи, ота-оналар дўхтирларга ишонмай, табиб-мулаларга олиб берибганмиш...

Касалхона 105 ўринли бўлиб, айни кунларда бу ерда 95-96 нафар бемор даволанмоқда. 9 ноябр кунги биз бу ерда бўлганимизда шифохона ошпази беш кундан бери гўштсиз овқат пишираётганини, картошка, сабзи ва бошқа маҳсулотлар таъминотида тез-тез узиллиш бўлиб турганини айтиди. Беморлар сарғени кўрмаганларига анча бўлган экан.

Касалхонада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш аҳоли қониқарли эмас. Уларни соғломлаштириш маркази ҳам, оналар саломатлигини турғуқча ва турғуқдан кейин тиклаш бўлими ҳам нонига ишломалоқ. Оприкислан-тирувчи ва шоишлин ёрдам дори-дармонлари йўқ. Уларни беморлар ўзлари излаб топишлари керак.

Шифохона мутахассислари туманда қанча туғиш ёшидаги аёллар борлигини аниқ ҳисобга олмаганлар. 8 та ҳужжалидан тўрттасида оналар саломатлиги тиббий кўриқдан ўтказилиб, қолганларида бу иш давом эттирилмади.

Касалхона ихтиёрида иккита «Дамас» русумли «Тез ёрдам» машинаси бўлиб, биттаси кўндан бери бузиллиб ётибди. Туманинг кўпчили хужжалилари анча олислиги, улар билан телефон алоқаси йўқлиги ва автоуловлар мунтазам қатнамаслиги устига касалхонада атиги биттагина «Тез ёрдам» ишлаши ачинарли ва ташвишли ҳол эмасми?

Шифокорларнинг тез ёрдамга мухтож беморлар кимга ара қилиб, кимдан наҳот кутишлари керак?

Остонада қиш. Касалхонанинг эса иситиш ускуналари ханузгача тўла тайёр эмас. Бош ҳақимнинг айтишича, қозонларни янгилаш, сув узатувчи насосларни таъмирлаш керак эмиш. Қуришни турибдики, шифохона бош ҳақими ҳамма нарсани билади, фақат бугунги раҳбар бахоналар ўрнига имконият қидириб топиши лозимлигини негадир унутган.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ.



Истиқлолни куйлайман

Ҳар биримизда бир муқаддас туйғу мавжуд. У Ватанга бўлган муҳаббатдир. Киндик қонимиз тўқилган она тупроқдан азиз муқаррами йўқ бу дунёда. Бинобарин, юрт ҳақида, унинг истиқболи ҳақида, мангуликка юз тутган истиқлоли ҳақида ҳар қанча куйланса оздир.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат лавҳа.

Қатрлар дала йўли

Эй, йўл, дебди башанг кийинган, бугдойранг юзли, тўладан келган инсон, - мунча эгри-бугри бўлмасанг? Ҳарсиллаб терлаб-пишдим-ку. Равон катта йўлга қисмас бўларкан.

Дала йўли ажабланибди.

- Тўқлигинг нимадан?

- Она ердан.

- Тукис уст-бошинг-чи?

- Она ердан.

- Ҳа, баракалла! - дебди йўл ва йўловчига танбех берибди:

- Тушунган ҳолда мени камситишинг инсофданими?

- Кечир, - дебди йўловчи тавозе билан, - бир оз силлам қуригандан аччиқланиб...

- Улмаган деҳқоннинг жони, - дебди шунда дала йўли. - Керза этикда юз бор бағримдан ўтса ҳам «гинг» демайди-я...

- Дарвоқе, мен бўлмаганимда сен мактаган ўша равон, ярқироқ йўллар қаёқда эди?!

ТАЪЗИМ

Бардошига балли, - дейман тошдек заранг ерни ёриб чиққан ниҳолга илосим ошиб, - ёруғ дунёни кўргунча қанча азобдош дош берган, бу паҳлавон. Сомон янглиг ранги ҳам гувоҳлик бериб турибди бунга.

Шу бахона бўлди-ю, атайин юмшоқ ерга эккан уруғимнинг хануз унинг чикмагиндан хафаман: «Сара эди-ку. Мик этмай ётаверса?! Еки ер ёмонмикин?»

Деҳқон отамнинг, уруғ ерда қолмайди, ернинг шавнига фақат яхши, ширин сўз лойик, деганини эслаб ерни чўқиладим. Уруғнинг мағзини курт сўриб кетган экан. Шошиб қилган таъман учун узр, дея ерга бош эгаман.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

«Обуна-99»

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Газета мундарижасини кенгайтириш, касабга уюшмалари мавзусидаги мақолаларнинг долзарблигини ошириш, ҳамда ўқимшиликни ташвишланишга «Ошқора мулоқот»лар орқали ҳам эришилади. Шу боисдан «Ишонч» ҳамда «Ишонч - Доверие» газетаси муҳаррирлари ходимлари жойларда касабга фаоллари билан учрашувлар, «Давра суҳбат»лари ташкил этишмоқда.

Шундай учрашувларидан бири кунги кеча Касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгашида бўлиб ўтди. Унда жамоат касабга уюш-

ма қўмиталарнинг, бошланғич ташкилотлар раислари ҳамда касабга фаоллари иштирок этишди.

Учрашувни Касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгашининг раиси М.Содиқов очди. Шундан сўнг «Ишонч» ҳамда «Ишонч - Доверие» газеталарининг бош муҳаррири М.Қайюмов ижодий режалар ва обуна мавсумининг бориши ҳақида ахборот берди. Учрашув қатнашчилари севимли нашрларининг ўқиш-мишиликни янада ошириш, бунда касабга уюшмалари фаолиятининг қайси

жиҳатларига кўпроқ аҳамият бериш юзасидан ўз фикр - мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, шунингдек, газета ходимларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этдилар.

**ТАҲРИРИЯТДАН: Тошкент шаҳар тармоқ касабга уюшма қўмиталаридан олинган маълумотга қараганда, «Ишонч» газетасига шу кунгача 1200 та обуна қилинган. Ният эса яна ҳам юксак - бу рақамни 4500 тага етказиш!**  
Садоқатингизга балли азизлар!

Норасмий жаҳон чемпиони

АНДЕРСЕН

У барча замонларнинг буюк мастери эди. Унинг ёрқин услуби, комбинацияларининг гўзаллиги ажойибу гаройибдир.  
В.СТЕЙНИЦ

XIX асрнинг биринчи ярмида қўлаб шoirлар, ёзувчилар, композиторларни илҳомлаётган роман-тизм гоғарили шахматда ҳам ўз из-дошларини топди. У э замонаси романтик кайфиятларини шахмат тах-тасида ақс эттира олган бу йўналиш-нинг пешқадамларидан бири Адольф Андерсен эди.

1851 йилнинг июнь ойи. Лондон. Турли мамлакатлар шахмат хаваскорларининг диққат-эътибори Англия пойтахтига қаратилган. Бу ерда биринчи халқаро турнир ўтарди. Унинг иштирокчилари орасида кўпгина машҳур мастерлар бор эди. Лекин «янгилар» ҳам бор. Шахмат олами улар ҳақида ҳали ҳеч нарса эшитмаган. Германиядан келган бреславльлик ўттиз икки ёшли ўқитувчи Адольф Андерсен ҳам ана ушлар жумласидан эди. Шахмат тарихида янги давр очиб берган мусобақада худди шу йилгити голиб чиқди.

Андерсеннинг спорт натижаси шубҳасиз мисли йўқ бўлди, лекин галабаларининг услуби янада катта-роқ завқ-шаққ уйғотди. Шиддатли хужумлар, дадил қурбонлар, ногаҳоний тактикавий зарбалар — Лондон турнирида немис шахматчиси мана нималарни намойиш қилди. Ҳатто энг номдор рақиблари ҳам унинг шиддатли хужумларига бардош беролмадилар.

Адольф Андерсен 1818 йилнинг 6 июлида Бреславлда туғилди. Адольфга отаси бу уйини ўргатганда бола 9 ёшда эди. Унинг шахматда қобилияти анчагина секин ривож-

ланди. Лондондаги турнирга қадар Андерсеннинг шахмат фаолиятида айтарли ҳеч қандай парвозлар бўлмаган эди.

1836 йили гимназияни тугатгач, Андерсен Бреславль университетига кириб, у ерда математика ва фалсафани ўрганди. Қизиқ, Андерсен биринчи марта шахмат композитор сифатида диққатни тортди. 1842 йилда унинг масалалар тўплами босилиб чиқди. Бирок, ўша йилларда Андерсен фақат композиция билан машғул бўлмади. Имкониятини топди дегунча у шахмат тахтаси ёнига ўтирар, ўтмишдаги атоқли мастерларнинг партияларини ўрганди.


1846 йилда Андерсен Берлинга келди. Келгусидаги мақсади илмий даража олиш эди, ammo пойтахтнинг энг кучли шахматчилари билан

танишиш ҳам моҳият эътибори билан ундан кам бўлмади.

1848 йили Андерсеннинг ҳаётида анчагина муҳим воқеа юз берди: у тажрибали мастер Гаррикс билан матнда учрашиш имкониятига эга бўлди. Бунгача унинг рақиблари орасида бундан зўри бўлмаган эди. Шунга қарамай Андерсен муваффақиятли ўйнади - 5:5.

Уч йилдан сўнг эса Андерсен жаҳоннинг энг кучли шахматчиси деган шўҳрат келтирган Лондондаги кутилмаган, айни вақтда узок кутилган зафарга эришди. Энди эришилган муваффақият самарасини кўриш пайти келгангед эди. Бирок Андерсен одатдаги ўқитувчилигини давом эттиргани Бреславльга қайтиб келди. У шахмат профессонали бўлишни хоҳламади.

Андерсеннинг кейинги шахмат



йўли осон бўлмади. 1858 йили у америкалик П.Морфига йирик ҳисобда (+2-7=2) бой берди. Айрим «Билафонлар» Андерсеннинг юлдузи сўнди, деб эълон қилишга ишондилар. Лекин Морфи шахматдан узоклашиши билан Андерсеннинг юлдузи тагин порлади. У 1861 йили И.Коллини матнда ютиб чиқди, иккинчи Лондон турнирида (1862) ажойиб галаба кучди. Булажак жаҳон чемпиони В.Стейниц билан бўлган матнда у муваффақиятсизликка учради: +6-8(1866). Бирок кейинги янги парвоз рўй берди - ёш Укертортни эзиб ташлади: +8-3=1 (1862). Берлин-Радендаги кучли халқаро турнирда 1чи саврини олди. Бу бреславльлик шахмат сехрларининг, охириги йирик муваффақияти эди.

Мазкур немис шахматчиси ўздан кейин қўлаб жуда ажойиб партиялар қолдирди. Уларнинг аксарияти вақт ўзини қарамай бизнинг кунларимизда ҳам ўз жозибасини йўқотгани йўқ. Андерсеннинг шахмат санъати ҳазинасига «Боксий» ҳамда «Сўнмас» номлари билан кирган Ки-зерицкий ва Дюфренлар қарши ўйнаган партияларини эслаш қийон: бу ажойиб шахматчининг номи нима учун шахмат тарихига олтин харфлар билан битилганлиги тушунарли бўлади-қолади.

Андерсен 1889 йилнинг 13 мартида Бреславльда вафот этди.

Мароқли машқлар

Тасвирлардаги вазиятлар амалий партияларда юзага келган бўлиб, ҳаммасида ҳам юриш қоралардан.

Хўш, Сиз қандай ўйнаган бўлардингиз?

Мамажон МУҲИДИНОВ.

О.Т. «ТМЗ» А.Ж. акционерлари

ДИҚҚАТИГА

1998 йил 11 декабр кун соат 15.00 да Тошкент шаҳар Ж.Остонов кўчаси, 12-ўйда О.Т. «ТМЗ» А.Ж. мажлислар залида қуйидаги кун тартиби бўйича акционерларнинг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтади:

- 1. О.Т. «ТМЗ» А.Ж. бошқарув кенгашининг ҳисоботи.
- 2. О.Т. «ТМЗ» А.Ж. да директор ёллаш шартномасини тасдиқлаш.
- 3. Жамият директорининг акционерларнинг умумий мажлиси олдида ҳисобот бериш жадвалини тасдиқлаш.
- 4. О.Т. «ТМЗ» А.Ж.нинг қимматли қозғалар ҳақидаги йўриқномасини тасдиқлаш.
- 5. Бошқа масалалар.

Кун тартибига қўйилган масалалар бўйича материаллар билан 1998 йил 25 ноябрдан бошлаб ҳар кун соат 15.00 дан 17.00 гача О.Т. «ТМЗ» А.Ж. мажлислар залида танишишингиз мумкин.

О.Т. «ТМЗ» Кузатув кенгаши.

Мирзо Улуғбек туманидаги «НКК» хусусий фирмаси тугатилди. Даволаб эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги телефонлар орқали қабул

ҚИЛИНАДИ. Тел: 162-17-82, 132-07-04.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани Т.Жалолов йўли 245-ўрта мактаб томонидан Қурбонов Ҳаётжон Мирзазаҳедовнинг берилган 1994 йил 9 сифини битирганлиги ҳақидаги 642281 номерли гувоҳнома си йўқолигани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЙУМОВ

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЙУМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36

Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Привл Восток») кўчаси, 24-уй.

«Шарқ» наشريёт-матбаа конферни

«Шарқ» наشريёт-матбаа конферни